ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИДАГИ ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАВСИФИ

Эшов Намоз Санокулович
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1-сон Тошкент академик лицейи Ҳуқуқий ва ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси, бош ўқитувчи
Кулахметов Абдусаттор Бахриддинович
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1-сон Тошкент академик лицейи Ҳуқуқий ва ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси, бош ўқитувчи, юридик фанлар номзоди, доцент
Ли Юрий Михайлович
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1-сон Тошкент академик лицейи Ҳуқуқий ва ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси, ўқитувчи

Аннотация: *Мазкур мақолада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий фаолиятига оид психологик хусусиятларга тўхталиб ўтилган. Ҳар бир касбнинг ўзига хос жиҳатлари бўлгани каби, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи касбининг ҳам ўзига хосликлари мавжуд, ана шу хослик профессиограмма ва касбномада акс этади.*

Калит сўзлар: *Шахс, касб, фаолият, нутқ, ирода, мулоқот, кузатиш, сезги, идрок, касбнома, профессиограмма, қонуният, бошқариш, ҳиссиёт, эмоция.*

Янгиланаётган Ўзбекистон такомиллашувида барча соҳалар қаторида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилот вакилларининг роли беқиёслиги кундан-кунга ўзини намоён этиб бормоқда. Ҳар бир соҳанинг такомиллашуви ва тараққиёти бевосита ва билвосита шу йўналишда фаолият олиб бораётган шахсларга боғлиқ бўлиши исбот талаб

этмайдиган ҳақиқат десак хато бўлмайди. Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ходимлар фаолиятининг психологик асослари замонавий психологияда қуйидагича тавсифланиши кўплаб психологлар томонидан эътироф этиб келинади.

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи шахс фаолиятининг психик қонуниятларини таҳлили касбнинг касбграммаларига ҳамда психопрофессиограммасига оид психологик асосларини ишлаб чиқиш, маҳорат ва индивидуал тури, касбий кўникма ва малакаларни тарбиялаш, кадрларни танлаб олиш ва жойлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқариш, касбий йўналиш, касбий саралаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишчилари шахсини тарбиялаш ва шакллантириш, касбий бузилиш ва уни олдини олиш, иш жойини ва иш вақтини ташкиллаштириш каби масалаларни ўрганишга қаратилган.

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи шахснинг психопрофессиограммаси - шахс фаолиятининг амалий меҳнат самарадорлиги ва сифатини ўрганишда қуйидагилар талқинига эътибор қаратилишига урғу берилиши лозим:

1) ҳуқуқшуносликка оид кўп мақсадли меҳнат жараёнининг самарадорлигини ўрганиш, тизимли талқин қилиш орқали амалга оширилади;

2) меҳнатнинг самарадорлигини ошириш учун унинг имкониятларини таҳлил этиш лозим;

3) фаолиятнинг самарадорлигини ўрганиш давомида тизимли ёндашиш асосида фаолиятнинг турли томонлари ва шахснинг структурасини талқин қилиш керак;

4) меҳнат самарадорлигини ошириш давомида унга таъсир этувчи ташқи шарт-шароитларни психологик талқин қилишни назарда тутиш керак.

Юридик фаолиятда ютуқлар, биринчи навбатда мулоқот, махсус вазият пайтида одамларни бошқариш билан боғлиқдир.

Бу масалага тизимли ёндошиш қуйидаги кўринишни касб этади:

биринчидан: фаолият давомида намоён бўлаётган касбий маҳорат сифатларини аниқлаш;

иккинчидан: шахсий сифатларни белгилаш;

учинчидан: касбграмма структурасини тузиш (яъни касб маҳорати ва шахсий билим, кўникма ва малакаларни тақсимлаш);

тўртинчидан: "шахс ва ҳуқуқ" тизимидаги боғлиқликни аниқлашдан иборат.

Шахс, юридик касбни танлашдан олдин, биринчи ўринда бўлғуси касб фаолиятининг мураккаблиги ва унга қўйилган талаблар тўғрисида тасаввурга эга бўлиши керак.

Олинган маълумот, касбга бўлган муҳаббат ва шахсий қобилиятдан ташқари катта ҳаётий тажриба, касбий кўникма ва малакалар керак бўлади. Юридик меҳнат фаолиятининг бошқа касблардан ажралиб турувчи томонлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан: ҳуқуқни ҳимоя қилувчи шахсларнинг ҳар бир янги ишлари янги вазифаларни бажаришни талаб қилади. Бу вазифаларга янгича ёндошиш, ҳақиқатни қўлга киритишга ёрдам беради.

иккинчидан: ҳар бир ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ходим сўзнинг ҳаракатларини қонун нормалари билан солиштириб кўриши керак.

учинчидан: ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ходим нафақат ўзининг шахсий иш фаолиятини ташкил қилиш, балки бошқалар билан ишлашга қаратилган масалаларни кўриб чиқиши лозим.

Энди касбий маҳорат ва этика масалаларига тўхталиб ўтсак. Касбий этика бу - ҳулқ кодекси, яъни одамлар орасида, касбий фаолият асосида ўзаро муносабатларнинг ахлоқий тавсифини ифодалайди. Умумий бир жамоага тегишли бўлган ахлоқий талаблардан ташқари, айрим касбий фаолият турлари учун ҳам махсус хулқ нормалари мавжуд. Бу нормаларни қабул қилиш ва уларга риоя қилиш ушбу фаолиятда

ижобий натижаларга олиб келади.

Ахлоқий маданиятни билиш:

1) шахснинг дунёқараши, этик билим ва эътиқодини ифодалайди (жамиятнинг ахлоқий талабларини билиш, одамнинг онгли равишда мақсадини ифодалаш);

2) ахлоқий ҳиссиётлар маданияти – нафақат "яхши" ва "ёмон"ни фарқлай олиш, балки бой эмоционал доирага эга бўлиш, бошқаларга нисбатан ҳамдард, малҳам бўлиш қобилияти;

3) амалий фаолиятда – фаол ҳаётий поғонани – ахлоқий маданият орқалигина эгаллаш мумкин.

Ҳуқуқни химоя қилувчи ходим қуйидаги ахлоқий сифатларга эга бўлиши керак:

- объектив бўлиши;

- адолатли бўлиши;

- холис бўлиши;

- мустақил бўлиши;

- инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва муҳофаза қилиши.

Ҳуқуқни химоя қилувчи ходимнинг ахлоқий сифатлари тамойиллар сифатида шахс фаолиятининг мазмуни ва хулқининг стратегиясини ташкил қилади. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти билан шуғулланувчи шахснинг этика ва маданияти доимо "юқорида" бўлиши лозим.

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи шахс фаолиятида нутқ ахборот манбаи ҳамда таъсир ўтказиш қуроли вазифасини ўтайди. Нутқ ёрдамида таъсир ўтказишнинг ҳар хил турлари мавжуд: кишининг кишига таассуроти, кишининг бир гуруҳ шахсларга, кишининг аудиторияга таъсири ва ҳоказо. *Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи шахс* нутқ фаолиятининг гуруҳга ижобий таъсиридан иборатдир.

Нутқ муомаланинг асосий воситаси бўлиб хисобланади. Унинг ёрдамида бевосита коммуникатив ва бошқарув фаолияти амалга

оширилади. Оғзаки нутқ учун суҳбатдошлар бир-бирларини эшитишлари ва кўриб туришлари муҳимдир.

Одамларнинг жонли мулоқоти одатдаги сўзлашув нутқи орқали рўй беради. Бу нутқ ниҳоятда ранг-баранг, таъсирчан ва тушунарлидир. Бунда оҳанг ва урғу катта аҳамият касб этади.

Касб-корга оид (профессионал) нутқ муайян билимларни талаб қилади. Нутқнинг бу тури мутахассислар, жумладан юристлар мулоқотига хосдир. Касб-кор нутқи лексикаси, терминларнинг талаффуз этилиши, махсус жумлалар, фикрнинг мантиқи билан ажралиб туради.

Профессионал (касбий) кузатувчанлик

Ҳуқуқни химоя қилувчи шахс касби одамларнинг хулқ-атворини, ташқи қиёфасини, юриш-туриши, имо-ишораларини, хатти-ҳаракатларини мунтазам равишда кузатиб боришни талаб этади. Кузатиш деганда одамлар предметлар, *воқеа ва ҳодисаларни бирон-бир мақсадни кўзлаб идрок этиш тушунилади. Кузатишда нигоҳ билан ёки эшитиш орқали кузатилаётган ҳодисанинг у ёки бу тарзда ўзгаришларини фарқлай билиш, уларни бошқа ҳодисалар билан узвий боғлаш ҳамда мантиқий хулоса чиқариш асосий жараён бўлиб ҳисобланади. Юридик фаолиятда, ходимга кузатувчанлик борасида катта талаблар қўйилади.*

Кузатувчанлик муайян фаолият жараёнида ривожланади. Шу билан бирга махсус машқлар, шунингдек абстракт объектлар билан машқлар бунга ёрдам беради.

***Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи шахс** кузатилаётган объект, хусусан, унинг барча асосий белгиларини фарқлаб олишга, бошқача қилиб айтганда, унинг моҳиятини идрок этишга интилмоғи даркор. Кўриш ва эшитиш таассуротлари кузатувчанликни ривожлантиришда катта роль ўйнайди.*

Кузатувчанлик шахс психикаси фаолиятининг барча турлари орасида зарур компонентдир. Кузатувчан бўлиш учун аввало кузатиш

қобилиятини орттириш лозим. ***Ҳуқуқни химоя қилувчи шахс*** *кузатилаётган ҳодисанинг моҳиятига кириб боришга интилиши, иш материалига оид барча диққатга сазовор белгиларни эътиборга олиши керак. Ўз олдига муайян мақсадни қўйган ҳолда кузатувга кириши муҳимдир. Фақат мақсадга мувофиқ кузатишгина психологик имкониятларни жамлаш ва зарур кўникмаларни эгаллашни таъминлайди.*

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи шахс *ўзининг турли вазифаларини, айниқса экстремал вазиятларда бурчини адо этиш учун бутун психик кучларини сафарбар қилишга тўғри келади. Кўзланган мақсадга эришиш учун эса қатъият, ташаббускорлик, сабот, ўзини тута билиш, матонат, жасорат ва бардош талаб қилинади. Бу хислатларнинг барчаси ироданинг намоён бўлиши билан чамбарчас боғлиқ.*

Ирода - инсон психикасининг хусусиятларидан бири бўлиб, шахс зиммасидаги мақсадга мувофиқ равишда, вужудга келаётган муайян шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўз хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворини онгли равишда бошқариш имконини яратади.

Ҳиссиётларнинг бошқарилиши. *Ҳуқуқни химоя қилувчи* ходимлар ўз фаолиятида кўпинча асаблари таранглашиши ҳолатларини бошларидан кечирадилар, шунинг учун юрист ўзини асраши, ишчанлик қобилиятини йўқотмаслик учун ҳар қандай шароитда ҳис-туйғуларини жиловлаши, бошқара билиши зарур.

Ҳиссиёт - шахснинг реал борлиққа шахсий муносабатига оид кечинмаларидир. Ҳиссиёт (эмоция) термиии бошдан кечирилаётган ҳис-туйғуларнинг конкрет, нисбатан элементар формасини англатади.

Ҳиссиётларини жиловлай оладиган кишилар хавф-хатар босқичларини енгиб ўтиб, стресс омиллари билан фаол кураша бошлайдилар, ўзларини қўлга оладилар. Ҳиссиётга берилувчан одамларда туғилган хавф-хатар ҳисси қўрқувга айланади ва ниҳоят ҳолсизланиш босқичидан ўтади. Ҳар қандай кишининг стресс

ҳолатларига бардошлилиги икки йўл билан ҳиссиётларини жиловлашни машқ қилиш ва ўқиб-ўрганиш билан таъминланиши мумкин.

Юқорида биз *ҳуқуқни ҳимоя қилувчи* ходимларнинг касбномасида шахснинг маълум бир хусусиятларини акс эттирилишига қисқача тўхталиб ўтдик. Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, психологик касбнома барча соҳаларда ўзининг муҳимлигини кунда-кунга кўрсатиб бормокда.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. G‘oziev E.G‘. Ruxiyeva X.A. Oliy maktab psixologiyasi muammolari. O‘quv qo‘llanma. – T.: 2008.
2. Ruxiyeva X.A. Sud-psixologik ekspertizasi. O‘quv qo‘llanma. – T.: 2018.
3. Столяренко А.М. Прикладная юридическая п-я. Учебник. – М.: 2022.